

БОБОНАЗАРОВ Давронбек Тўраназар ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч
докторанти
Bobonazarov.d.94@gmail.com

ЖАМОЛИДДИН ЗАЙЛАЙНИНГ ХАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

ЖИЗНЬ И НАУЧНОЕ НАСЛЕДИЕ ДЖАМАЛУДДИН ЗАЙЛАИ

THE LIFE AND SCIENTIFIC HERITAGE OF JAMAL AL-DIN ZAILA'I

Аннотация: Ушбу мақолада ҳанафий мазҳабининг етук уламиси ҳофиз, муҳаддис, фақиҳ, мутасаввиф Жамолiddин Зайлайнинг ҳаёти ёритилган бўлиб, бу зот ислом оламида ҳадис илми, хусусан, тахриж илмининг нодир манбаси ҳисобланган «Насб ар-роя» асари муаллифи сифатида машҳур. Шунингдек, мақолада Зайлайнинг илм ўрганиши, устозлари, уламоларнинг у ҳақида билдирган фикрлари ҳамда илмий мероси тўғрисида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: Зайлай, ҳадис, марфуъ, тахриж, ҳанафий, Насб ар-роя, ал-Ҳидоя

Аннотация: В данной статье описывается жизненный путь выдающегося ученого ханафитской школы, хафиза, мухаддиса, факиха и суфия Джамалуддина Зайлаи, известного в исламском мире как автор труда «Насб ар-рая», являющегося считается редким источником науки хадис, особенно науки тахридж. В статье также представлены сведения об учебе Зайлаи, его учителях, мнения ученых о нем и его научном наследии.

Ключевые слова: Зайлаи, хадис, марфу', тахридж, ханафий, Насб ар-рая, аль-Хидая

Annotation: This article describes the life of a mature scholar of the Hanafi school hafiz, muhaddith, fakih and sufi Jamal al-din Zaila'i, who is famous in the Islamic world as the author of the work "Nasb al-rayah", which is considered a rare source of the science of hadith, especially the science of takhrij. The article also provides information about Zaila'i's studies, his teachers, scholars' opinions about him and his scientific heritage.

Keywords: Zaila'i, hadith, marfu', takhrij, hanafi, Nasb al-rayah, al-Hidayah

КИРИШ

Имом, ҳофиз Жамолiddин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Муҳаммад Зайлай Ҳанафий Мисрий ҳижрий VIII / милодий XIV асрнинг ҳадисларни жамлаш ва таҳлил қилиш борасидаги етук мутахассисларидан бири. Уламолар унинг исми “Абдуллоҳ ибн Юсуф”ми ёки “Юсуф ибн Абдуллоҳ”ми эканида ихтилоф қилишган. Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449 й.) [9:2:417], Ибн Фаҳд (ваф. 885/1480 й.), Жамолiddин Суютий (ваф. 911/1505 й.) [7:531; 8:1:359] каби олимлар аввалги фикрни афзал кўришган. Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) ўзининг “Фавоид ал-баҳия” асарида дастлаб Зайлайнинг исмини “Юсуф ибн Абдуллоҳ” деб келтиради [2:229], кейин эса у ҳам биринчи фикр тўғри эканини ёзган [2:237]. Иккинчи фикр тарафдорлари Зайлайнинг лақаби “Жамолiddин” бўлгани учун исми “Юсуф” бўлиши керак деб ҳисоблашади. Чунки, бу лақаб одатда Юсуф исмли кишиларга нисбатан қўлланган. Бироқ далиллар шуни кўрсатадики, унинг исми “Абдуллоҳ” экани ҳақиқатга яқинроқ, чунки мўтабар манбаларнинг барчасида шундай келади, “Юсуф” дегувчилар эса жуда ҳам озчиликни ташкил қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Зайлайнинг туғилган йили борасида ҳам аниқ маълумот йўқ. Суютий “Табакот ал-хуффо” асарида “Унинг ўрни келгуси табақада бироқ вафоти эртароқ бўлгани учун олдин келтирдим” – дейди [7:535]. Асарда Зайлайнинг ҳаёти йигирма иккинчи табақада, ҳофиз Ибн Ражаб (736-795/1336-1393) ва Ибн Мусаллам (724-792/1324-1390)ларнинг ҳаёти эса йигирма учинчи табақада келган. Суютий “келгуси табақа” деганда иккисининг табақасини назарда тутган. Шунга кўра унинг 720/1320 йиллар атрофида туғилганини тахмин қилиш мумкин. Бунга яна бир далил шуки, Зайлай шофей мазҳабининг етук уламиси, ҳофиз Зайниддин Ироқий (725-806/1325-1404) билан дўст бўлган ва тахриж ишларида ўзаро ҳамкорлик қилган [9:2:417].

Зайлай илми ўз давридаги етук фикр ва ҳадис олимларидан олган. У фикр ва ҳадис асосан ҳанафий фикридаги энг нуфузли матнлардан бири “Канз ад-дақоик” асарига шарҳ ёзган

факих уламо Имом Фахриддин Усмон ибн Али Зайлай (ваф. 743/1343 й.) дан ўрганган. Зайлай “Насб ар-роя”да бу зотдан иқтибос келтириб, уни “Имом Фахриддин” деб атаган. Шунингдек, шофеий мазҳаби уламеси Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Адлан (ваф. 749/1348 й.), Қоҳира ва Искандария шаҳарлари фаҳиқи Шихобиддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қайс Ансорий (ваф. 749/1348 й.) ва Имом Моликнинг “Алфия” асари шориҳи Баҳовуддин Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Оқил (ваф. 761/1360 й.) лардан ҳам сабоқ олган.

Ҳадис илмини эса ўз давридаги “муҳаддислар устози” бўлган Имом Абул Ҳажжож Миззий (ваф. 742/1342 й.), Имом Шамсиддин Заҳабий (ваф. 747/1347 й.) ва яна ҳанафий мазҳаби усулчи, факих олими, шунингдек, тафсир, ҳадис ва луғат илмларида ҳам моҳир билимдон Имом Аловуддин Мардиний (Ибн Туркманий) (ваф. 750/1349 й.) каби муҳаддис уламолардан ўрганган. Зайлай “Насб ар-роя”да бу зотларнинг асарларидан жуда кўп ўринларда иқтибос келтирган ва уларни “шайхим” дея эътироф этган.

Зайлай ҳадис илмида билимини кучайтириб, соҳага алоқадор китобларни кўп мутолаа қилган. Шундай қилиб, у ҳадис китобларнинг машҳур бўлганини ҳам кенг танилмаганини ҳам олдингилари-ю кейингиларини ҳам ўрганиб, уларнинг илмини ўзида жамлаган. Ҳофиз бу илмда бошқа мутахассислар эътибордан четда қолдирган нозик нуқталарни кўра оладиган хассос тадқиқотчи бўлиб етишган. “Насб ар-роя”нинг ўта дақиқ ёзилгани унинг таҳриж илмидаги маҳорати қай даражада бўлганини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Кишининг бир соҳадаги даражасини билиш учун ўша соҳа мутахассисларининг унга берган эътирофига қаралади. Зайлай ҳақида энг кучли муҳаққиқ уламолар ўзларининг фикрларини билдиришгандир, жумладан, муҳаддис Қосим ибн Қутлубуға (ваф. 879/1475 й.) “ал-Ҳидоя”га таҳриж асар ёзганларни санаб ўтар экан у ҳақида: “У (Зайлай) уларнинг энг билимдони ва кенг қамровлисидир”, – дейди [4:9]. Аллома Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304/1886 й.) шундай ёзади: “Унинг таҳрижи ҳадис илми ва ровийлар исмида чуқур илмли бўлганига ва фуруул ҳадисда қарашлари кенг

эканлигига далолат қилади” [2:228]. Муҳаққиқ Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (ваф. 1371/1952 й.) айтади: “У зотнинг таҳрижлари унинг ҳадис илмларида, жумладан, унинг маънолари, ровийларининг исмлари, матнлари, ривоят йўлларида маҳоратли ва билимдонлигига ёрқин далилдир. Аллоҳ бу кишига анашу илмларда манфаатланишни ва асарларининг асрлар оша ҳадис илми аҳллари қўлида айланиб юришини насб қилган” [10:129]. Ўтган асрнинг забардаст уламоларидан бири Анваршоҳ Кашмирий (ваф. 1352/1933 й.) “Менимча, ҳофиз Зайлай ҳофиз Ибн Ҳажарга қараганда яхшироқ хотирага эга”, – дейди [3:1:368].

Зайлайнинг инсоний хулқ-атвори борасида ҳам уламоларнинг у ҳақида айтган фикрлари эътиборга моликдир. Жумладан, у мутаассибликдан йироқ, ҳақиқатни яширмайдиган, муҳолифларнинг фикрларини ҳам ҳурмат қилувчи инсон бўлган. Анваршоҳ Кашмирий айтади: “Ҳофиз Жамолиддин Зайлай ҳофиз муҳаддисларнинг энг катталаридан, илм ва ҳадис денгизларидан бўлгани каби нафсларини мужоҳада ва ҳилватга ўргатган, қалбларини ёмонлик ва шаҳватлардан поклаган тасаввуф шайхларидан ҳам эди. Унинг ўз мазҳабига ҳеч нарсада мутаассиблик қилмаслиги, аксинча, муҳолифларни ҳурмат қилиб, уларга ўта адолат билан муносабатда бўлиши ўз нафсини поклагани аломатидир” [6:8].

Шунингдек, Зайлай китоб ёзиш жараёнида ҳам олимларга хос илм эгалари билан маслаҳат қилиш ва камтарлик фазилатларини намоён этган. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний ўзининг “Фи дура ал-каамина” асарида айтади: “Шайхимиз Ироқий менга Зайлай у билан ҳадис китобларни мутолаа қилиш ва ҳадисларни таҳриж қилишда ўзаро ҳамкор бўлганини айтган” [6:6]. У сўзида давом этиб Ҳофиз Ироқий Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Иҳё улум ад-дин” асари ҳадислари ҳамда Имом Термизий “Сунан”нинг бобларида келтирган ҳадисларни, Имом Зайлай эса Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” ва Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асарларидаги ҳадисларни таҳриж қилгани ва бу ишларда ҳар иккиси бир-бирига ёрдам берганини ёзган [10:129]. Зоҳид Кавсарий айтади: “Зайлай табақада Ироқийдан устундир. Ҳадислар

тахрижида Ироқийни шерик тутиши унинг чиройли хулқ эгаси ва камтар инсон бўлганига далолат қилади” [10:129].

Юқорида ўз асрининг энг етук муҳаққик уламоларининг имом Зайлаий ҳақида билдирган фикрлари келтирилди. Уларнинг сўзларидан шу нарса хулоса қилинадикки, Зайлаий таҳриж илмида тенгсиз, ўз ишини пухта қилувчи, мутаассибликдан йироқ ҳамда илмни холис етказувчи олим бўлган.

Олимнинг вафот этган санаси борасида ихтилоф йўқ. Жумладан, Ибн Ҳажар, Ибн Фаҳд, Суютий, Тамимий ва Кафавий каби уламолар у зотни ҳижрий 762 йил муҳаррам (милодий 1360 йил ноябр) ойида дунёдан ўтганини айтган. Қоҳирада дафн қилинган, лекин, шундай катта олим, авлиё зотнинг таржимаи ҳолини ёзган табақот муаллифларидан бирортаси, ҳатто, авлиёларнинг мазорлари ва Қоҳирадаги солиҳ кишиларнинг қабрларини назорат қилувчи мутасадди ташкилотлар ҳам унинг қабри қаерда эканини аниқ билмайди.

Зайлаийдан қолган илмий мерос кўп эмас, эҳтимол, бу муҳаддиснинг умри қисқа бўлгандандир. Улар сони оз бўлсада манфаат кўлами кенг ва кўп мурожаат қилинадиган асарлардир. Кўпчилик мутақаддим уламолар унинг фақат иккита асари борлигини қайд этган бўлишса, бугунги куннинг энг забардаст, муҳаққик уламоларидан бири Муҳаммад Аввома (туғ. 1940 й.) Зайлаийга тааллуқли яна бир илмий меросни аниқлаган [13].

Илмий мероси:

١. الإِسْعَافُ بِتَخْرِيجِ أَحَادِيثِ الْكُشَافِ

“Ал-Исъаф битаҳрижи аҳадиси ал-Кашшоф”. Бу асарда Маҳмуд Замахшарийнинг Куръони каримга ёзган машхур тафсир асари “ал-Кашшоф”нинг ҳадислари таҳриж қилинган. Зайлаий “Насб ар-роя”да бу асарни айна шу ном билан зикр қилган [6:3:197]. “Насб ар-роя”да тилга олиниши унинг олдинроқ ёзилганини ёки иккаласи бир вақтда ёзила бошлаганини билдиради. Бу асарга “ал-Мақосид ал-ҳасана”нинг ҳошиясида машхур муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ Сиддиқ Ғуморий (ваф. 1993 й.) “Жуда ҳам фойдали ва узун таҳриж асар” деб изоҳ берган. Ушбу таъриф асарнинг мазмунини яхши билган олимнинг у ҳақидаги муносиб эътирофи, чунки унинг қўлида китобнинг қўлёзма нусхаси бўлган. Муҳаммад Аввома

устози Сиддиқ Ғуморийдан ушбу асар ҳақида маълумот бериши сўраганида қуйидагича жавоб олган: “Менда “ал-Кашшоф”даги ҳадислар таҳрижининг бир нусхаси бор. У бир жилддан иборат бўлиб, сўзбошиси йўқ. Муаллиф “ал-Кашшоф”даги набавий ҳадисларнинг барчасини камраб олиб, саҳобаларнинг хабарларини эса қолдириб кетган, чунки унинг асосий мақсади набавий ҳадисларни олиш бўлган. Агар бирон кимсадан иқтибос келтирмаса, унинг ўзи ҳадиснинг саҳиҳлиги, ҳасанлиги ёки заифлиги ҳақида ҳукм чиқармаган. Китобнинг мендаги нусхаси янги, Миср миллий кутубхонасида эса яхши сақланган, қадимий қўлёзма мавжуд” [13].

Ҳофиз Ибн Ҳажар “ал-Исъаф”ни мухтасар ҳолга келтириб уни “ал-Каф ал-шаф би таҳрижи аҳадиси ал-Кашшоф” дея номлаган.

“Ал-Исъаф битаҳрижи аҳадиси ал-Кашшоф” асари “ал-Кашшоф” билан биргаликда 1936 йили Сиддиқ Ғуморий назорати остида “Мустафо Муҳаммад” нашриёти томонидан чоп этилган.

٢. مُخْتَصَرُ مَعَانِي الْأَثَارِ لِلطَّحَاوِيِّ

“Мухтасару маоний ал-осор ли ат-Таҳовий”. Бу имом Таҳовий (ваф. 321/933 й.) нинг “Маоний ал-осор” асари мухтасари бўлиб, у ҳақида аллома Зоҳид Кавсарий “Маоний ал-осор” атрофида қилинган илмий ишларни санаб ўтганида шундай деган: «“Насб ар-роя” соҳиби Ҳофиз Зайлаий ҳам уни талхис қилган (қисқартирган). Унинг талхиси ал-Азҳардаги “Ровақ ал-атроқ” ва Истанбулдаги “Кўпрулу” кутубхонасида сақланади» [11:33].

٣. نَصَبُ الرَّايَةِ لِتَخْرِيجِ أَحَادِيثِ الْهَدَايَةِ

“Насб ар-роя ли аҳадиси ал-Ҳидоя”. Имом Зайлаийнинг ушбу асари имом Бурҳониддин Марғиноний “ал-Ҳидоя”да келтирган ҳадисларнинг санадини ўрганишга ва қайси манбаларда мавжудлигини аниқлашга қаратилган, шунингдек, уларнинг саҳиҳ, ҳасан ва заиф каби даражалари ҳам баён қилинган.

“Насб ар-роя” асари Ҳиндистоннинг “ал-Мажлис ал-илмий” тадқиқот маркази ходимлари томонидан нашрга тайёрланиб, 1938 йил Қоҳирадаги “Дор ал-маъмун” нашриётида чоп этилган. Бироқ бу китобда бир қанча хатолар учрайди.

Бугунги куннинг муҳаққик олимларидан бири Муҳаммад Аввома бу ҳинд нусхасини чуқур тадқиқ қилиб, унда йўлга қўйилган

хатоларни тўғрилаган, асарнинг қўлёзма нусхаларини кидириб топиб уларни қиёсий таҳлил қилган. Китоб 1997 йил Байрутдаги “Муассаса ар-райян” нашриётида чоп этилган.

ХУЛОСА

Жамолиддин Зайлаий бутун умрини ҳадис илминининг муҳим бир йўналиши бўлган таҳриж илмига доир асарлар ёзиб қолдиришга бағишлади. У ислом илмларининг тафсир, фикҳ, усул, наҳв ва сарф илмларини ҳам чуқур билган. “Ал-Кашшоф” асарига ёзган таҳрижи ҳамда “Насб ар-роя”да тафсир илмининг мавзуси бўлган масалаларга тўхталиб ўтгани ёки ҳадислардаги ҳукм оятларнинг тафсиридан фойдалангани унинг тафсир илмида ҳам кўп нарсга эга эканини кўрсатади. Шунингдек, тасаввуф илмини ўргангани, тақводор ва зоҳид бўлгани уламолар тарафидан эътироф қилинади. [14:XI:10]

Зайлаий, ҳақиқатдан ҳам, ислом илмларининг кўпидан хабардор бўлган аҳли сунна вал жамоа, айниқса, ҳанафий мазҳабининг фахри бўлган уламоларидандир. Асарларини ўқиган ҳар бир киши бунга гувоҳ бўлади ва унинг илмий салоҳиятига тасаннолар айтади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Абдулмуҳдий Абдулқодир Абдулҳодий. Туруку таҳрижи ал-ҳадис. – Қоҳира: Мактабат ал-ийман, 2012. – 367 б.
2. Абдулҳай Лакнавий. Фавоид ал-бахия. – Қоҳира: Матбаат ас-саода, 1906. – 264 б.
3. Анваршоҳ Кашмирий. Файз ал-Борий ала Саҳих ал-Бухорий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2005. – Ж. I. – 544 б.
4. Ибн Қутлубуға. Мунят ал-Алмай. – Қоҳира: Матбаат ас-саода, 1950. – 66 б.
5. Бурҳонуддин Марғиноний. Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади. Ж. 1. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2020. – 704 б.
6. Жамолиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Зайлаий. Насб ар-роя ли аҳадис ал-Ҳидоя / Муҳаммад Аввома таҳқиқи. – Байрут: Муассасату ар-райян, 1997. – Ж. I. – 450 б.
7. Жалолиддин Суютий. Табақот ал-хуффо. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1983. – 608 б.
8. Жалолиддин Суютий. Хусн ал-муҳодора. Дор ихя ал-кутуб ал-арабия. 1967. I. – 616 б.
9. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний. Ад-Дурар ал-каминах. – Ҳайдаробод: Даироту ал-маориф ал-усмания, 1993. II. – 458 б.
10. Зоҳид Кавсарий. Зайл тазкират ал-хуффо. – Дамашқ: ал-Қудсий. – 384 б.
11. Зоҳид Кавсарий. Ал-Ҳовий фи сийрати Абу Жаъфар ат-Таҳовий. – Қоҳира: Матбаат ал-анвор, 1949. – 54 б.
12. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Фикҳий йўналиш ва китоблар. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2019. – 312 б.
13. Муҳаммад Аввома. The Life & Works of Hāfiẓ al-Zaylaʿi, Author of Nasb al-Rāyah. Мақола, 2018. <https://www.ilmgate.org>
14. Ибн Тағриберди. Ан-Нужум аз-заҳира фи мулуки Миср ва ал-Қоҳира. – Қоҳира: Визорат ас-сақофат ал-Мисрия, 2016. XI. – 391 б.